



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 3 (5)  
2026**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**Farg‘ona davlat universiteti uchun  
MAXSUS SON**

**3**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2026**

**MUNDARIJA**

<b>Abduvoxidov A.A.</b> Moliyaviy bilim va ko‘nikmalarning iqtisodiy mazmuni hamda nazariy tamoyillari.	7
<b>Olimova N.X.</b> Qayta tiklanadigan energiya manbalaridan samarali foydalanishni rivojlantirish strategiyalari.	11
<b>Эргашев А.Х.</b> Исследование текущих тенденций и ограничений инвестиционной активности предприятий в стране.....	15
<b>Yulchiyev A.O.</b> Turistik destinatsiya tabiati va rivojlanish omillari: taklif va talabga asoslangan yondashuvlar.....	19
<b>Mirzayev A.T., Ne‘matova D.A.</b> Sanoatning bazaviy tarmoqlarini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish.....	23
<b>Karimov Sh.X.</b> Turizm faoliyatini boshqarish jarayoniga hududiy salohiyatning ta‘sirini baholash.....	30
<b>O‘rinboyev D.B.</b> Qurilish materiallari sanoati korxonalarida inqirozning shakllanish bosqichlari va diagnostik ko‘rsatkichlari tahlili.....	34
<b>Goziyev M.Sh., Bahodirova M.R.</b> Digital transformation of corporate governance in developing economies (case of Uzbekistan).....	44
<b>Israilova M.V.</b> Sanatoriya-kurort sohasida mulkchilik munosabatlarini transformatsiyalashning ayrim masalalari.....	48
<b>Turg‘unov M.M.</b> Milliy iqtisodiyotda oziq-ovqat sanoati rivojlanishining tarmoq xususiyatlari.....	53
<b>Raximova K.N.</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish masalalari.....	58
<b>Mannopova M.S.</b> Agrar sohaning barqaror rivojlanishida meva-sabzavotchilik klasterlari: tuzilma, yo‘nalishlar va asosiy tamoyillar.....	63
<b>Nematova Sh.E.</b> Raqamli transformatsiya sharoitida xizmatlar sifat menejmenti va kichik biznes subyektlarining iqtisodiy barqarorligi.....	68
<b>Rasulov U.A.</b> Raqamli iqtisodiyot — yangi O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarining tayanch omili.....	72
<b>Raximov D.Sh.</b> Sanoat ishlab chiqarishini diversifikatsiya qilish jarayonlari va qayta ishlash tarmog‘ining raqobatbardoshlikka ta‘siri.....	77
<b>Teshabayeva O.N.</b> Turkiya tajribasi asosida turizm infratuzilmasini rivojlantirish yo‘nalishlari.....	81
<b>Jumakulov Z.I., Tursunaliyeva K.</b> O‘zbekiston Respublikasi bank tizimi: holati, rivojlanish tendentsiyalari va islohotlar samarasi.....	85
<b>Jaksimova Z.R.</b> Ko‘lam samarasi turlari, ularning tavsifi va ko‘lam samarasi asosida samaradorlikni oshirishning nazariy modellari.....	88
<b>Yunusov A.R.</b> "Green economy" - the problem of teaching at universities in Central Asia using the experience of european union universities.....	92
<b>Юнусов Ш.</b> Роль цифровизации и искусственного интеллекта в углублении региональных экономических отношений в Центральной Азии.....	95
<b>Xalmatjanova G.D.</b> Klasterlarni boshqarishning samaradorligini oshirish va resurslardan optimal foydalanish.....	104
<b>Xomidov Q.Q.</b> O‘zbekistonda turistik majmualar faoliyatini boshqarishning nazariy jihatlari.....	109
<b>Jo‘rayev H.Q.</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining strategik salohiyatini baholashning jarayon va tizimli yondashuvlari .....	114
<b>Xakimov D.R.</b> Oliy ta‘lim sohasida bozor munosabatlari rivojlanishining asosiy omillari.....	117
<b>To‘xtasinova D.</b> Xalqaro hamkorlikning eksport-import oqimlarini tartibga solishdagi roli.....	123
<b>Xolmatov B.A.</b> Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida tejamkorlik darajasini statistik baholash.....	127
<b>Jumakulov Z.I., Baxromov B.</b> O‘zbekiston davlat byudjetini shakllantirishda soliqlarning roli.....	131
<b>To‘ychiyeva B.V.</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqaruvning ilmiy-nazariy asoslari.....	133
<b>Abdisamatov Sh.A.</b> Makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar va iqtisodiy o‘shish barqarorligining asoslari hamda zamonaviy muammolari.....	141
<b>Asraqulov A.S.</b> Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish xususiyatlari va turistik xizmat turlari diversifikatsiyalashuviga yondashuvlar.....	145
<b>Rakhimova K.N., Mrs. Oubih Warda</b> Institutional and innovative mechanisms for the development of digital tourism in Uzbekistan.....	151
<b>Muxtorov A.A., Mirzayev A.T.</b> Turizm sohasiga investitsiyalarni jalb etish jarayonlarini boshqarishning omilli tahlili.....	154
<b>Usibjonova G.U., Mannopova M.S.</b> Milliy iqtisodiyotda tadbirkorlik faoliyati va uning barqarorligini ta‘minlashning ilmiy asoslari.....	161

<b>Oltiboyeva M.A., Teshabayeva O.N.</b> O‘zbekiston turizm logistikasini rivojlantirishda raqamli innovatsiyalarning roli.....	<b>166</b>
<b>Ximmatova G.K., To‘xtasinova D.</b> Xizmatlar bozorida korxonalarining raqobat ustunligini barqarorlashtirish.....	<b>170</b>
<b>Oltiyeva M.A., Mirzayev A.T.</b> Hududlar resurs salohiyatini baholash orqali potensial turistik resurslarni turistik faoliyatga kiritish imkoniyatlarini modellashtirish.....	<b>174</b>
<b>Xasanova R., Teshabayeva O.N.</b> Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida diversifikatsiyaning hududiy jihatlari.....	<b>180</b>
<b>Zufarova G.A.</b> Ta‘lim bitiruvchilarining ko‘nikmalari va mehnat bozori ehtiyojlari o‘rtasidagi nomuvofiqlik muammosi.....	<b>184</b>
<b>Ergashev J.S.</b> "Yashil marketing" konsepsiyasi asosida energiya tejamkor qurilish materiallari bozorini rivojlantirish .....	<b>187</b>
<b>O‘rinov A.A.</b> Tikuv-trikotaj mahsulotlariga talabni shakllantirish va sotishni rag‘batlantirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari.....	<b>192</b>
<b>Uzganbayeva D.T., Mo‘ydinov A.</b> Sut va sut mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida innovatsion salohiyatini iqtisodiy-matematik va faoliyatni boshqaruv mexanizmlari takomillashtirish.....	<b>197</b>
<b>Саиджоновна З.Б.</b> Ўзбекистонда саноат корхоналарига инвестиция жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	<b>201</b>
<b>Qodirov Z.E.</b> Fermer xo‘jaliklari faoliyatini rivojlantirishning imitatsion modellar tizimi.....	<b>205</b>
<b>Ahmadaliyeva R.A., O‘rinov A.A.</b> Qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilishning iqtisodiy ahamiyati.....	<b>210</b>
<b>Хайдаров Х.</b> Сугурта муносабатларида сугурта тариф ставкаларини ахамияти ва муаммолари.....	<b>214</b>
<b>Махамადийев М.М.</b> Iqtisodiy tarmoqlarda innovatsion g‘oyalar bankidan foydalanishning tahliliy asoslari..	<b>217</b>
<b>Madaminov G‘.M.</b> Harbiy xizmatchilarni moddiy rag‘batlantirishda qo‘shimcha to‘lovlar tizimining iqtisodiy va institutsional asoslari.....	<b>222</b>
<b>Nazirboyev D.D.</b> Moliyaviy siyosat va ijtimoiy barqarorlik omillari.....	<b>227</b>
<b>Хасанова С.И.</b> Ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви назарий асослари.....	<b>232</b>
<b>Teshaboyev B.A.</b> Econometric analysis of internal and external factors affecting the management efficiency of tourism enterprises.....	<b>237</b>
<b>Mustafoyeva Z.A.</b> Fintech texnologiyalarining moliya tizimi rivojlanishidagi o‘rni va istiqbollari.....	<b>242</b>
<b>Xolmirzayev U.A., Muradova N.R.</b> Rivojlanish strategiyalarida raqobat va hamkorlik o‘rtasidagi muvozanat: nazariy yondashuv va amaliy tahlil.....	<b>245</b>
<b>Sadullayev R.P.</b> Ekologik vaziyatni barqarorlashtirishda soliq mexanizmidan samarali foydalanish metodologiyasi: xorij tajribasi.....	<b>249</b>
<b>Мурадов Б.Х., Аширов Д.Ф., Бахтиёрв Т.Д., Собиров Х.С. Қудратов М.Н.</b> Основные факторы инновационных процессов АЭС, устойчивых источников энергии и перехода к «Зелёной» экономике.....	<b>258</b>
<b>Tursunov O.B.</b> Transport-logistika tizimini rivojlantirish orqali iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash.....	<b>269</b>
<b>Sayitbayev Sh.D.</b> Yangi O‘zbekistonda moliyaviy barqarorlik va iqtisodiy o‘shish.....	<b>274</b>
<b>Ibodulloyeva Z.S.</b> Aligning energy systems engineering education with Uzbekistan’s renewable energy transition: rethinking curriculum reform through a policy–education lens.....	<b>278</b>
<b>Salimova Z.S.</b> Investitsiyalar va aholi daromadlari o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlashning konseptual asoslari.....	<b>282</b>
<b>G‘aybullayeva Z.R., Oxunjonova K.K.</b> Respublika tijorat banklari operatsiyalari va ularni rivojlantirish masalalari.....	<b>286</b>
<b>Абдуллоев А.Ж.</b> Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари.....	<b>289</b>
<b>Rahimova M.I.</b> O‘zbekistonda ayollar rahbarligidagi korxonalarining eksport faoliyati va hududiy rivojlanish tendensiyalari.....	<b>294</b>
<b>Rahmatullayeva D.O.</b> Bandlik tuzilmasining o‘zgarishi va iqtisodiy samaradorlikka ta‘siri.....	<b>299</b>
<b>Valikulov Sh.Z.</b> “O‘zbekneftgaz” AJ da investitsion faoliyatning iqtisodiy samaradorligini oshirish omillari va ularni tizimli tahlil qilish.....	<b>305</b>
<b>Турабекова Г.И.</b> Яшил иқтисодиёт ва инсониятнинг барқарор келажаги учун йўл.....	<b>312</b>
<b>Tajiboyev S.O.</b> Xalqaro investitsiyalar va kapital oqimlari.....	<b>316</b>
<b>Madaminov A.M.</b> Sanoat korxonalari faoliyatida zamonaviy boshqaruv mexanizmlaridan foydalanish istiqbollari (oziq-ovqat sanoati misolida).....	<b>319</b>

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА ИНСОНИЯТНИНГ БАРҚАРОР КЕЛАЖАГИ УЧУН ЙЎЛ

ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА И ПУТЬ К УСТОЙЧИВОМУ БУДУЩЕМУ  
ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

GREEN ECONOMY AND THE WAY TO A SUSTAINABLE FUTURE OF HUMANITY

Турабекова Гулирано Исламовна

ТДТУ. Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси

**Аннотация**

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг камайиши ва экологик инкирозлар билан юзма-юз келиб турибди. Саноатлаштириш жараёнининг жадаллашуви, табиий ресурслардан ҳаддан ташқари фойдаланиш, иссиқхона газлари эмиссиясининг ортиши ва глобал иқлим ўзгариши замонавий иқтисодий моделнинг чекланганлигини намоён этди. Шу шароитда яшил иқтисодиёт концепцияси барқарор ривожланишининг муҳим стратегик йўналиши сифатида шаклланди.

Яшил иқтисодиёт иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ижтимоий фаровонликни оширишга қаратилган иқтисодий моделдир. Мазкур мақоланинг мақсади яшил иқтисодиётнинг назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда унинг инсониятнинг барқарор келажагини таъминлашдаги ўрнини ёритишдан иборат.

**Калит сўзлар:** яшил иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, экологик хавфсизлик, қайта тикланувчи энергия, иқлим ўзгариши, ресурс тежамкорлик.

В статье рассматриваются теоретические основы зеленой экономики как важного направления устойчивого развития. Цель исследования – анализ роли зеленой экономики в обеспечении экологической безопасности и долгосрочного экономического роста. В работе использованы методы экономического анализа, сравнительного исследования и системного подхода. Результаты показывают, что переход к зеленой экономике способствует снижению выбросов парниковых газов, эффективному использованию природных ресурсов и повышению качества жизни населения. В статье также выявлены основные проблемы внедрения принципов зеленой экономики. Полученные выводы могут быть использованы при разработке государственной экологической политики.

**Ключевые слова:** зеленая экономика, устойчивое развитие, экологическая безопасность, возобновляемая энергия, изменение климата.

This article examines the theoretical foundations of the green economy as a key direction of sustainable development. The purpose of the study is to analyze the role of the green economy in ensuring environmental security and long-term economic growth. The research applies methods of economic analysis, comparison and a systematic review of scientific literature. The findings indicate that the transition to a green economy contributes to reducing greenhouse gas emissions, improving resource efficiency and enhancing the quality of life. The study also identifies major challenges in implementing green economy principles. The conclusions can be used in shaping environmental and economic policies.

**Keywords:** green economy, sustainable development, environmental security, renewable energy, climate change, resource efficiency.

Яшил иқтисодиёт тушунчаси бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб, у иқтисодий ривожланиш, экологик мувозанат ва ижтимоий

фаровонлик ўртасидаги уйғунликни таъминлашга қаратилган стратегик йўналиш сифатида шаклланди. Яшил иқтисодиёт — бу нафақат атроф-муҳитни асраш, балки инсон фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган тизимдир. Унинг асосий мақсади — иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, экологик хавфларни ва табиий танқисликни минималлаштиришдир.

Сўнгги юз йиллик давомида саноатлашув жараёни мисли кўрилмаган даражада тезлашди, энергия истеъмоли бир неча баробарга ошди, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми эса тарихий рекорд даражага етди. Статистик маълумотларга кўра, инсоният ҳар йили 100 миллиард тоннадан ортиқ табиий ресурсларни қазиб олади ва улардан фойдаланади. Таҳлилларига кўра, мазкур ресурсларнинг 90 фоиздан ортиғи қайта тикланмайдиган ёки қайта ишланмайдиган тарзда истеъмол қилинмоқда. Бу эса мавжуд иқтисодий моделнинг узок муддатли истиқболда барқарор эмаслигини кўрсатади. Узок йиллар давомида ҳукмронлик қилган "ишлаб чиқариш — истеъмол қилиш — чиқиндига чиқариш" тамойилига асосланган анъанавий иқтисодий модели эндиликда ўз умрини ўтаб бўлди. Агар ушбу тамойилга асосланган модел сақланиб қолса, 2060-йилга бориб глобал хомашё истеъмоли икки баробарга ошиши мумкин. Аҳоли сонининг ўсиши ҳам ресурсларга бўлган босимни кескин кучайтирмоқда. World Bank прогнозларига кўра, 2050-йилга бориб дунё аҳолиси 9,7 миллиард нафарга етади. Бу эса озиқ-овқат ишлаб чиқаришни камида 50 фоизга, энергия ишлаб чиқаришни эса қарийб 30–40 фоизга оширишни талаб қилади.

Шу билан бирга, урбанизация жараёни тезлашиб, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 56 фоизи шаҳарларда яшамокда ва 2050-йилга бориб бу кўрсаткич 68 фоизга етиши кутилмоқда. Шаҳарларнинг кенгайиши транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилма соҳаларида энергия сарфини сезиларли оширади. Ҳозирнинг ўзида бинолар глобал энергия истеъмолининг 36 фоизини ва иссиқхона газлари чиқиндиларининг 37 фоизини ташкил этади.

Иқлим ўзгариши масаласи яшил иқтисодиётнинг марказий муаммоси ҳисобланади. Иқлим ўзгариши туфайли 2030-йилгача ҳар йили кўшимча 250 минг ўлим ҳолати юз бериши мумкинлиги қайд етилган. Бу ҳолат иқтисодиётга ҳам бевосита таъсир кўрсатади, чунки кишлоқ хўжалиги, энергетика, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида миллиардлаб доллар зарар етказилади. Энергетика сектори глобал иссиқхона газлари эмиссиясининг асосий манбаи ҳисобланади. International Energy Agency ҳисоботларига кўра, умумий карбон чиқиндиларининг қарийб 73 фоизи энергия ишлаб чиқариш ва истеъмоли билан боғлиқ. Кўмир, нефт ва газ каби анъанавий ёқилғи турларига қарамлик ҳанузгача юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бироқ қайта тикланувчи энергия манбалари улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2023-йил якунларига кўра, дунёда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 30 фоизи қайта тикланувчи манбаларга тўғри келган. Сўнгги ўн йилликда қуёш энергетикаси қуввати 10 баробардан ортиқ ошган, шамол энергетикаси эса 900 гигаваттдан ортиқ қувватга етган. Ҳисоб-китобларга кўра, агар глобал миқёсда яшил энергияга инвестициялар кенгайтирилса, 2030-йилгача 30 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратилиши мумкин.

Чиқиндилар муаммоси ҳам экологик инқирознинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ҳозирги кунда дунёда йилига 2 миллиард тоннадан ортиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Ворлд Банк прогнозларига кўра, 2050-йилга бориб бу кўрсаткич 3,4 миллиард тоннага етади. Пластик чиқиндиларнинг атиги 9 фоизи қайта ишланади, қолган қисми эса полигонларга ташланади ёки атроф-муҳитга чиқади. Ҳар йили океанларга 8 миллион тоннадан ортиқ пластик чиқиндилар тушади. Натижада денгиз экотизимлари жиддий зарар кўрмоқда ва 800 дан ортиқ денгиз ҳайвонлари тури пластик ифлосланишидан азият чекмоқда. Айлана иқтисодиёт моделини жорий етиш орқали чиқиндилар ҳажмини 20–30 фоизгача камайтириш мумкинлиги таъкидланмоқда.

Сув ресурслари масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. United Nations маълумотларига кўра, 2 миллиарддан ортиқ инсон хавфсиз ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган. 2030-йилга бориб сувга бўлган глобал талаб мавжуд захиралардан 40 фоизга ошиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги чучук сув истеъмолининг 70 фоизини ташкил қилади. Томчилатиб суғориш технологияларини кенг жорий етиш орқали сув сарфини 30–60 фоизгача

камайтириш мумкин. Шу билан бирга, сувни қайта тозалаш ва қайта ишлатиш тизимларини ривожлантириш ҳам катта иқтисодий самара беради. Ўрмонларнинг қисқариши глобал карбон айланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили ўртача 10 миллион гектар ўрмон майдони йўқолади. Ўрмонлар эса атмосферадаги карбоннинг қарийб 30 фоизини ютади. Агар ўрмонларни тиклаш ва кўпайтириш сиёсати кучайтирилса, глобал эмиссиянинг сезиларли қисмини компенсация қилиш мумкин бўлади. Сўнги йилларда кўплаб давлатлар миллиардлаб дарахт экиш дастурларини амалга оширмоқда.

Яшил иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам муҳимдир. Айрим халқаро баҳолашларга кўра, агар глобал микёсда яшил трансформация учун йилига 2–3 триллион доллар инвестиция киритилса, 2050-йилгача глобал ялпи ички маҳсулот кўшимча 2–3 фоизга ошиши мумкин. Акс ҳолда, иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган зарар глобал ЯИМнинг 5–20 фоизигача қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, яшил иқтисодиётга ўтиш харажат эмас, балки узоқ муддатли инвестиция сифатида қаралиши лозим.

Ўзбекистон шароитида ҳам яшил иқтисодиётга ўтиш стратегик аҳамиятга эга. Мамлакатимиз учун яшил иқтисодиёт — бу нафақат экологик зарурат, балки иқтисодий мустақиллик йўлидир. Қуёшли кунларнинг кўплиги Ўзбекистонни минтақадаги энг йирик "яшил энергия" экспортчисига айлантириши мумкин. 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия улушини 40% га етказиш мақсади қўйилгани бунинг яққол исботидир.

Сўнги йилларда бир неча гигаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Энергия самарадорлигини ошириш орқали саноат корхоналарида энергия сарфини 10–15 фоизгача қисқартириш мумкинлиги аниқланган. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар жорий этилиши натижасида ҳосилдорлик ошмоқда ва сув сарфи камаймоқда. Юқоридаги статистик маълумотлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, яшил иқтисодиёт инсониятнинг барқарор келажаги учун ягона мақбул стратегик йўналишдир. Табиий ресурслар чекланган, экологик муаммолар кескинлашаётган шароитда анъанавий иқтисодий моделни давом эттириш жиддий ижтимоий ва иқтисодий инқирозларга олиб келиши мумкин. Аксинча, яшил иқтисодиёт тамойилларини изчил жорий этиш орқали иқтисодий ўсиш, экологик мувозанат ва ижтимоий фаровонликни бир вақтнинг ўзида таъминлаш мумкин.

Яшил иқтисодиёт — бу қимматбаҳо лойиҳа эмас, бу келажак учун энг фойдали инвестициядир. Анъанавий моделдан воз кечиш — бу тараккиётдан тўхташ эмас, балки табиат билан уйғунликда янги яшашни ўрганиш демакдир.

Демак, яшил келажакка олиб борадиган йўл бир неча муҳим йўналишлардан иборат:

-Қайта тикланувчи энергия: кўмир ва нефтдан воз кечиш, қуёш, шамол ва сув энергиясига ўтиш. Бу атмосферага чиқарилаётган захарли газларни камайтиришнинг ягона йўлидир.

-Ресурслардан оқилона фойдаланиш: сув ва ер ресурсларини тежаш, қишлоқ хўжалигида «ақлли» технологияларни қўллаш.

-Айланма (циркуляр) иқтисодиёт: чиқиндисиз ишлаб чиқариш тизимини яратиш, яъни хомашёни қайта-қайта ишлатиш орқали табиатга юкломани камайтириш.

Яшил иқтисодиётга ўтиш фақатгина «табиатни қутқариш» эмас, балки янги имкониятлар демакдир:

-Янги иш ўринлари: экологик тоза технологиялар, энергия самарадорлиги ва қайта ишлаш соҳаларида миллионлаб «яшил» иш ўринлари яратилади.

-Саломатлик: ҳаво ва сувнинг тозаланиши касалликларни камайтиради ва умр кўриш давомийлигини оширади.

-Иқтисодий барқарорлик: энергия мустақиллигига эришиш ва табиий офатлар келтирадиган зарарларнинг олдини олиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, яшил иқтисодиёт — бу танлов эмас, балки ҳаётий заруриятдир. Биз келажак авлодларга нафақат бой давлатни, балки нафас олиб бўладиган ҳаво, тоза сув ва яшил табиатни ҳам мерос қолдиришимиз керак. Барқарор келажак сари йўл бугунги қарорларимиздан бошланади ва яшил иқтисодиётга ўтиш қуйидагиларга эришиш имконини беради:

-Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) маълумотларига кўра, яшил иқтисодиётга ўтиш 2030 йилгача дунё бўйлаб 24 миллионга янги иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

- Сўнгги 10 йил ичида қуёш энергиясидан фойдаланиш таннархи 85% га, шамол энергияси эса 55% га арзонлашди. Бу эса яшил энергияни анъанавий ёқилгидан кўра фойдалироқ қилади.

Демак, бугунги қарорлар келажак авлодлар тақдирини белгилайди ва инсоният олдида турган асосий вазифа – иқтисодий ривожланиш билан табиатни асраш ўртасида оқилона мувозанатни таъминлашдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида".
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг 'яшил' иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида".
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида".
- 4.UNEP (БМТ Атроф-муҳит дастури). *Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication*. (Яшил иқтисодиёт бўйича дунёдаги энг асосий қўлланмалардан бири).
- 5.World Bank (Жаҳон банки). *Inclusive Green Growth: The Pathway to Sustainable Development*.
- 6.Егорова М. С. *Иқтисодиётни "яшиллантириш" ва барқарор ривожланиш тушунчалари*. (Илмий мақола).
- 7.БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs) — расмий портали ([sustainabledevelopment.un.org](http://sustainabledevelopment.un.org)).